# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 3 2022-54-3-43-МО-сон Арнасой ш.

Арнасой туман Хокимлиги Молия бўлими (кейинги ўринларда "буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбари **М.Эшбоев** хамда «Шохруз 555» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги ўринда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **М.Бобобеков** мазкур Шартномани куйидагилар хакида туздилар.

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғига кўра мазкур Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун хақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги уринларда "Ишлар" деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Арнасой туман Хокимлиги Молия бўлими нотурар биносини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш.**

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

1.4.1. Буюртмачи таъмирлаш ишлари учун олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширади ва жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс хисобга олинган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

1.4.2. Ишлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан Ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

**2. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

**2.1. Пудратчининг мажбуриятлари:**

2.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажарилиши.

2.1.2. Ишларни мазкур Шартноманинг 1.4.1-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

2.1.3. Ишларни натижасини Буюртмачига топшириш.

2.1.4. Агар Пудратчи ишларни бажариш жараёнида Шартнома шартларидан ишларининг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йул куйган бўлса, Буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 5 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.5.Ишларни шахсан бажариш.

**2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2.1. Пудратчидан Ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур Шартноманинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, Ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган Шартномадан четга чикишлар ёки Ишлардаги бошқа камчиликлар аникланганда, булар хақида Пудратчига дархол

Кўриб чиқган юрист: G'AYBULLAYEV ABROR ABDISALOM O'G'LI. Ҳужжат рақами: IS4614418810

хабар бериш.

2.2.2. Ишларнинг натижаларини қабул килган пайтдан бошлаб 30 кун ичида мазкур Шартноманинг 4-бандида кўрсатилган бахо буйича Ишлар учун хақ тўлаш.

### 3. Тарафларнинг хуқуқулари.

**3.1. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:**

3.1.1. Буюрмачи томонидан мазкур Шартноманинг 4-бандида кўрсатилган баҳо буйича Ишлар учун хақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи Ишларнинг натижасини ушлаб туриш хуқуқига эга.

**3.2. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:**

3.2.1. Хар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонида бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.2.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган бахонинг Буюртмачи Шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олгунга кадар бажарилган ишлар қисмига мутаносиб қисмини Пудратчига тўлаш. Бунда Буюртмачи Пудратчига шартноманинг бекор қлиниши туфайли етказилагн зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан хамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

### 4.Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси қуйидагилардан ташкил топади:

4.1.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **192 555 000 (бир юз тўқсон икки миллион беш юз эллик беш минг)** сўмни ташкил қилади.

Шундан: 25 115 869,57 (Йигирма беш миллион бир юз ўн беш минг саккиз юз олтмиш тўққиз) сўм 57 (эллик етти) тийинни қўшимча қиймат солиғи ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига Шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 5.Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4.2-бандига кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун хар бир кечиктирилган кун учун буюртмачига кечиктирилган иш хизматлар бахосининг 0.5 фоиз миқдорида пеня тулайди, лекин бунда бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги зарур.

5.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 01 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда амалдаги конунчик меъёрларига мувофиклик кулланади.

5.3. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

### 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада

кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, эр қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг этарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни қонунда белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 01 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, этказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса Пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми

кийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

**9. Коррупсияга қарши талаблар**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

9.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

**10. Якуний қоидалар**

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

| **Пудратчи:** | **Буюртмачи:** |
|---|---|
| **Жиззах шахар «Шохруз 555» МЧЖ** | **Арнасой туман Хокимлиги Молия бўлими** |
| СТИР **307347163** | СТИР **200331604** |
| ОКОНХ **61110** | (ОКОНХ) ИФУТ : **97600** |
| Юридик манзили: **Ғаллаорол ш. Бахт МФЙ дўстлик кўчаси 10 уй** | Юридик манзили: **Арнасой туман Голиблар ШФЙ Самарканд кўчаси 8 уй** |
| Телефон/факс | Телефон/факс_72-372-13-42 |
| Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: **20208000205215957001** | Ш.Ҳ.В:100022860082017011312092001 |
| Банки **АК Ғаллаорол Агро банк фил** | Молия вазирлиги Ғазначилиги |
| МФО **00128** | ЯҒХ Х/р: **23402000300100001010** |
| | ғазначилик СТИРи **201122919** |
| | Банки **Тошкант ш. Марказий банк ХККМ** |
| | МФО **00014** |
| **Раҳбар:** **М.Бобобеков** | **Раҳбар:** **М.Эшбоев** |

v.uz тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: IS4614418810

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

BD77051737

1.Loyihaning turi – shartnoma.

2.Loyihaning nomi – 192 555 000 (bir yuz to'qson ikki million besh yuz ellik besh ming) so'mlik Pudrat shartnomasi.

Shartnoma tomonlari:

Buyurtmachi - Arnasoy tuman Xokimligi Moliya bo'limi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbari M.Eshboyev

Pudratchi - «Shoxruz 555» ma'suliyati cheklangan jamiyati nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbar M.Bobobekov.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Arnasoy tuman Moliya bo'limi 2022 yil 16 mart.

4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:

Loyiha amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Ushbu shartnoma loyihasini rasmiylashtirishda O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni talablariga rioya qilishingiz tavsiya etiladi.

**Arnasoy tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:** **A.G'aybullayev**

**16.03.2022 yil**

Юрист исм фамилияси: G'AYBULLAYEV ABROR ABDISALOM O'G'LI

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMAN HOKIMLIGI MOLIYA BO`LIMI**

Arnasoy tumani G'oliblar shaharchasi Samarqand ko'chasi tel: 8 372 372-14-50, 372-13-42

16 mart 2022 yil № 01-20-201/08-01-21 G'oliblar shaharchasi.

# MA'LUMOTNOMA

Arnasoy tuman hokimligi moliya bo'limining № 2022-54-3-43-MO-sonli Pudrat shartnomasiga tizimdagi xatoliklar tufayli QR-kod qo'yilmaganligi sababli qo'lda imzolandi va muxr bilan tasdiqlandi.

Ushbu shartnomaga 16.03.2022 yil BD77051737 raqamli xulosa berilgan va yuridik kuchga ega.

***Ma'lumotnoma so'ralgan joyga taqdim etish uchun berildi.***

**Arnasoy tuman hokimligi**
**moliya bo'limi mudiri:** **M.Eshboyev**

Bajaruvchi: I.Norbayeva